

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ ТЕХОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛИ БИЛАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

10.53885/edinres.2022.69.28.143

Хасанов Р.А.

Бухоро давлат университет, Бухоро, Ўзбекистон

Турсунов М.З курс талбаси

Бухоро давлат университет, Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация: Ушбу тезисда жисмоний тарбия дарсларида таълим жараёнини замонавий ахборот теҳнологияларни жорий этиш йўли билан такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича фикр мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: теҳнология, машина, компьютер, алгоритм, педагогик дастур.

Ахборот теҳнологияси ва теҳник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик теҳнологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Ҳозирги замон ахборот теҳнологияларининг асосини қуйидаги фан - теҳника ютуқлари ташкил этади:

а) ахборотнинг машина ўқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (кинофильмлар, магнит дисклар);

б) ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишни таъминловчи алоқа воситаларининг ривож-ланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидения, маълумотларни узатиш тармоқлари, сунъий йўлдош алоқаси, телефон);

в) ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини ошириш.

Бугунги кунда жисмоний тарбия таълимини ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқилаётган компьютер теҳникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуқтаи-назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин.

Таълим теҳнологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар турли хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ. Таълим жараёнида ахборот теҳнологияларини амалга оширилиши қуйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, яъни таълимнинг теҳник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари, таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти, таълим-тарбия жараёнида янги ўқув теҳника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос услубий ишланмалар. Ўқитишнинг янги ахборот теҳнологиялари талабанинг эмас, у энг аввало педагогнинг теҳнологиясидир. Педагог ахборот теҳнологияларини қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қилади, талабалар билимини назорат қилади ва таълим мазмунини такомиллаш-тиришда компьютерлаштиришнинг энг юқори даражаси - янги ахборот теҳнологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Ахборот теҳнологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида жисмоний тарбия таълими жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўнали-шини ҳам ривожлантириб бориш билан бевосита боғлиқдир. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимини ҳамма босқичларида “компьютерлаштириш концепцияси” яратилиши лозим. Компьютерли теҳнологиялар дастурли ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекомму-никацияларнинг ноёб имкониятларибилан боғлиқ таълимнинг тадқиқ қилинмаган янги теҳнологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли теҳнологиялари - бу таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб, уни амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуни-катив қобилиятларини ривожлантириш, “ахборотлашган жамият” шахсини тайёрлаш, таълим олувчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш, талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантиришдир.

Демак, жисмоний тарбия таълими жараёнига замонавий ахборот теҳнологияларининг жорий этилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради: таълим жараёнини, талабаларнинг аниқ

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

тайёргарлик даражасини, қобилиятларини, янги материални ўзлаштириш суръатини ва кизиқишини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш; талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўзини - ўзи такомиллаштириш, таълим ва касбга кизиқишларини шаклланишига интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш; таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлиқ ҳодисаларини комплекс ўрганиш; таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш; барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш; таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар, улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади ҳамда бу технологияларни jismoniy tarbiya дарсларига қўллаш юқори натижалар бериши кўзда тутилади.

Адабиётлар

1. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. 2000 й. Тошкент.
2. Холчураев Ботир Холиқович (2020). Жисмоний тарбия дарсларини ташкил этишда таълим услубларининг аҳамияти. *Science and Education*, 1 (3), 752-756.
3. Васильева Виктория Руслановна, & Коробейникова Елена Ивановна (2021). Применение инновационных технологий на уроках физической культуры
4. Azimovna F. M. et al. Educational importance of physical education, sports and health measures in higher educational institutions //E-Conference Globe. – 2021. – С. 321-325.
5. Azimovna F. M. Formation of spiritual and moral values of pupils in physical education lessons //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 99-103.
6. Nematovich K. S. Abduyeva Sitorabonu Savridin kizi, Fatullayeva Muazzam Azimovna, Kurbanov Shukhrat Kuldoshevich. Using of innovation terms in physical education and sport lessons and their social and educational features //Journal of Critical Reviews. doi. – Т. 10. – С. 470-471.
7. Салимов, Г. М., Дустов, Б. А., Фарманов, У. А., & Рахмонов, Р. Р. (2020). Показатели констатирующего этапа экспериментальной работы по физическому развитию учеников 7-10 лет общеобразовательных организаций Узбекистана. *Педагогическое образование и наука*, (1), 91-97.
8. Akmalovich, D. B. (2020). Organization of independent work of students in the process of physical education. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(11), 120-123.
9. Мухитдинова Н.М. Эшов Э. Improvement of psychology and pedagogical process on physical training // Intellectual Archive 2018 с 93-96
10. Djurayeva Maxasti Zokirqizi “The emotion training system for atudents of preschool education for sports gymnastics sports competitions” 88-101 betlar. *International Journal of Advanced Research in Monagement and Social Sciences*. Vol.1 №2 February 2022
11. Маъмуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>
12. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. *Eastern European Scientific Journal*, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>
13. Мамуров Б.Б., Махмудов М.Х. Акмеологическая составляющая образовательной культуры учителя. философские и методологические. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=36679921>
14. В Mamurov, A Mamanazarov, K Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient ..., 2020. <https://www.atlantis-press.com/proceedings/isc-sai-20/125937241>
15. ББ Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

16. Маъмуров Б.Б. Маманазаров А.Б. Условия развитие у будущих учителей навыков проектирования учебного процесса на основе акмеологического подхода. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37269472>

17. Тураев М. М., Баймурадов Р. С., Файзиев Я. З. Интерактивные методы физического воспитания в вузах //Педагогическое образование и наука. – 2020. – №. 3. – С. 132-135.

18. Файзиев Я. З., Зиёев Д. Я. У. краткий исторический обзор развития физического воспитания и спорта //Academy. – 2020. – №. 9 (60).

19. Файзиев Я. З., Кузиева Ф. Эффективности использования национальных средств физического воспитания в учебном процессе //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 3-1. – С. 95.

20. Vozorova S., Fayziev Y. The development of motor memory of students in physical education classes //Student science: research works. – 2019. – С. 47-48.

21. Юсупова Зулфизар Шариповна Методы организации физической подготовки в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки. ISSN 2542-0801(online) ISSN 2413-7081-(print)ГОСТ 7.56-2002. – 2020. – №. 09 (54) ст.46-48 https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=DNSe5CIAAAAJ&citation_for_view=DNSe5CIAAAAJ:2osOgNQ5qMEC

22. Zaripov, G. T., Beshimov, Y. S., & Normurodov, B. R. (2020). EFFECT OF CONCENTRATION OF ALKALINE SOLUTIONS IN PRODUCTION OF PAPER SEMI-FINISHED PRODUCTS FROM LOCAL RAW MATERIALS. *Scientific reports of Bukhara State University*, 3(2), 45-49.

23. U. A. Fayzieva, M. T. Khikimova. Conditions of effectiveness of pedagogical communication. <https://mbukckslg.ru/en/usloviya-uspeshnogo-pedagogicheskogo-obshcheniya-ego-funkcii-organizaciya.html>

24. Fayzieva, Umida Asadovna and Zhalilov, Zarafshon Bakhshilloyevich (2020) "METHODOLOGICAL SUPPORT FOR EXTRA-CLASS ACTIVITIES OF A STUDENT," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 4 : Iss. 1 , Article 39. DOI:10.52297/2181-1466/2020/4/1/13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/39>